



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ



Бу қандай
нашр?

Ушбу нашр 2025 йил учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013 й.) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар
қайси санага
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2026 йил 31 март ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни
қаердан олиш
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга
тааллуқли
савол ва
таклифлар
бўйича қандай
муружаат қилиш
мумкин?

О.О. Тожиддинов

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси
департаменти директори*

(+998) 71 212-60-38

o.tojiddinov@cbu.uz

Р.М. Мирзаахмедов

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси
департаменти директори ўринбосари –
Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи*

(+998) 71 212-60-99 (259-08)

r.mirzaahmedov@cbu.uz

Ш.Х. Хайитбоев

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

(+998) 71 212-60-42

sh.khayitboev@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

ҚИСҚАЧА ШАРҲ


2025 йилда жаҳон миқёсида сақланиб қолган геосиёсий кескинликлар, ташқи савдо фрагментацияси ва юқори иқтисодий ноаниқликларга қарамасдан, Ўзбекистоннинг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичларида ижобий тенденциялар кузатилди. Бу, асосан, ташқи савдо ҳажмларининг ошиши, халқаро молия бозорларидан маблағлар жалб этилишининг фаоллашиши, ташқи меҳнат миграцияси йўналишларининг кенгайиши ҳамда халқаро пул ўтказмалари оқимларининг кўпайиши билан изоҳланади.

2025 йилда **жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3,9 фоизни (5,8 млрд доллар)** ташкил этиб, 2024 йилдаги 4,7 фоизга (5,7 млрд доллар) нисбатан 0,8 фоиз бандга қисқарди.

Ҳисобот даврида экспортнинг импортга нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиши кузатилган бўлса-да, импорт ҳажмининг экспортга нисбатан катта бўлганлиги сабабли товар ва хизматлар савдоси баланси манфий шаклланиб, 19,9 млрд долларни ташкил этди (1-диаграмма).

Иккиламчи даромадлар бўйича жорий трансфертларнинг соф ҳажми сезиларли даражада ошиши натижасида мазкур компонент 13,7 млрд доллар миқдорида ижобий сальдо билан шаклланиб, бирламчи даромадлар бўйича соф тушумлар (371,4 млн доллар) билан биргаликда савдо балансидаги манфий сальдони қисман қоплади.

1-диаграмма




Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

2025 йилда халқаро бозорларда хомашё нархларининг юқори даражада сақланиб қолиши, шунингдек экспортбоп маҳсулотларга ташқи талабнинг ортиши ва норезидентларга кўрсатилган хизматлар кўламининг кенгайиши таъсирида **жами экспорт ҳажми 2024 йилга нисбатан 23 фоизга ўсиб, 32,3 млрд долларни ташкил этди (олтинсиз экспорт – 22,5 млрд доллар, ўсиш 20 фоиз).**

Бунда, товарлар экспорти 2024 йилга нисбатан 17 фоизга кўпайиб, 23 млрд долларни ташкил қилди (олтинсиз - 13,2 млрд доллар, ўсиш 9 фоиз) (2-диаграмма).


2-диаграмма. Товар ва хизматлар савдоси

(млрд доллар)



3-диаграмма. Жаҳон хомашё нархлари индекси

(2023й. 1 январь = 100%)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Манба: Жаҳон банки ва ХВЖ маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

2025 йилда товарлар экспорти ҳажмларининг шаклланишига ишлаб чиқариш ҳажмларидаги ўзгаришлар билан бир қаторда жаҳон бозорларида хомашё нархларининг динамикаси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Хусусан, асосий экспорт хомашё маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари таҳлилига кўра, 2025 йил давомида олтин нархи йил бошига нисбатан 63 фоизга, кумуш нархи 2 баробарга, мис нархи 32 фоизга ва уран нархи 5 фоизга ошган. Шу билан бирга, тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси ҳисобланган пахтанинг жаҳон нархи 7 фоизга пасайган (3-диаграмма).

Ҳисобот даврида хизматлар экспорти 42 фоизга ўсиб, 9,3 млрд долларни ташкил этди. Бунда асосан Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сонининг ортиши, минтақадаги транспорт коридорларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши ҳамда ахборот технологиялари (IT) соҳасидаги таркибий ислохотлар сабабли ушбу соҳалар билан боғлиқ хизматлар экспорт ҳажмининг ошиши асосий омиллардан бўлди.

2025 йилда **жами импорт** ҳажми 2024 йилга нисбатан **20 фоизга** кўпайиб, **52,2 млрд** долларга етди. Бу мамлакатда инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши шароитида машина ва ускуналар, кимёвий ва минерал маҳсулотлар, шунингдек маиший ва озиқ-овқат товарлари ҳамда бошқа хомашё импортининг давом этиши билан изоҳланади. Шунингдек, импортнинг энг юқори ҳажми ўтган йилнинг IV чорагига тўғри келиб, 15,3 млрд долларни ташкил этди.

Ҳисобот даврида товарлар импорти ҳажми 2024 йилга нисбатан 16 фоизга ўсиб, 38,6 млрд долларни ташкил этган бўлса, хизматлар импорти 30 фоизга кўпайиб, 13,6 млрд долларга етди (*2-диаграмма*).

2025 йилда меҳнат муҳожирлари фаолият юритаётган анъанавий мамлакатларда ишчи кучига бўлган талабнинг юқори даражада сақланиб қолиши, иш ҳақи миқдорининг ўсиши ҳамда меҳнат миграцияси географиясининг диверсификацияси бирламчи ва иккиламчи даромадлар бўйича тушумларнинг ортишига хизмат қилди¹. Шу билан бирга, норезидентларнинг инвестиция даромадлари (дивидендлар, реинвестиция ва фоиз тўловлари)нинг кўпайиши бирламчи даромадлар бўйича тўловлар ҳажмини оширувчи омил бўлди.

Натижада, **бирламчи ва иккиламчи даромадлар баланси** мусбат сальдо билан шаклланиб, мос равишда 371 млн ва 13,7 млрд долларни ташкил этган ҳолда савдо баланси тақчиллигини қисман қоплади.

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги молиявий ҳисоб доирасида жалб қилинган капитал тушумлари, хусусан тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ҳамда бошқа молиявий манбалар ҳисобига молиялаштирилди.

Жумладан, 2025 йил давомида мамлакатга **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши**² 2024 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ўсиб, 4,4 млрд долларга тенг бўлди (*ЯИМга нисбатан 3 фоиз*) (*4-диаграмма*).

¹ Трансчегаравий пул ўтказмалари тўғрисида батафсил маълумотлар Марказий банк веб-сайтида эълон қилинган 2025 йил учун “Халқаро миграция ва жисмоний шахсларнинг валюта операциялари шарҳи”дан олинди мумкин. <https://cbu.uz/upload/iblock/5b2/5d64ar05r47x0pk5egxjwouhlcj8qe9v/1.-Sharh-migratsiya-UZB.pdf>

² Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо) акс эттирилади.


Бунда тўғридан-тўғри инвестициялар таркибида капиталга соф қўйилмалар ва хорижий инвесторлардан жалб қилинган қарз маблағлари ҳажмининг ошиши билан бирга хорижий инвесторлар томонидан даромадларининг Ўзбекистон иқтисодиётига қайта инвестиция қилиниши (реинвестиция) ҳам сезиларли даражада кўпайди.

Портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши асосан халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига 40 фоизга кўпайиб, 4,4 млрд долларни ташкил қилди (*ЯИМга нисбатан 3 фоиз*).


2025 йилда халқаро молия бозорларида ҳукумат томонидан 3 та, банклар томонидан 7 та ҳамда номолиявий корхоналар томонидан 4 та янги халқаро облигациялар жойлаштирилди. Шу билан бирга, 2 та еврооблигация бўйича мажбуриятлар тўлиқ сўндирилди.

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига 2025 йил якуни бўйича **МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ** манфий сальдоси **9,3 млрд долларни** ташкил этди (*5-диаграмма*).

4-диаграмма. Тўғридан-тўғри хорижий (ТТХИ) ва портфель (ПИ) инвестицияларнинг соф жалб қилиниши (мажбуриятлар)



5-диаграмма. Молиявий ҳисоб ва компонентлари сальдоси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

2025 йил якунига кўра, тўлов балансида акс этган амалиётлар ва нооперацион ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистоннинг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** ҳисобот йили бошига нисбатан **2 баробарга** мустаҳкамланиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига **19,1 млрд долларга** етди.

Бунда резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳисобот йили бошига нисбатан 33 фоизга (*32 млрд долларга*) ошиб, 128,4 млрд долларни ташкил этган бўлса, ташқи мажбуриятлари 26 фоизга (*22,4 млрд долларга*) кўпайиб, 109,3 млрд долларга етди.

Активлар ҳажмининг ўсиши асосан халқаро захиралар ҳисобига тўғри келди. Хусусан, олтиннинг жаҳон бозоридаги нархи юқори суръатларда ошиши таъсирида **халқаро захиралар қолдиғи** 2025 йил бошига нисбатан **25,1 млрд** долларга кўпайиб, 2026 йил 1 январь ҳолатига **66,3 млрд** долларни ташкил этди. Шунингдек, захира активларининг хорижий валютадаги қисми ҳам 1,9 млрд долларга ошди.

2026 йил 1 январь ҳолатига хориждан жалб қилинган давлат ташқи қарзи қолдиғи 40,5 млрд долларни³ ташкил этди. Давлат ташқи қарзи қолдиғининг ЯИМга нисбати пасайиш тенденциясини сақлаб қолиб, ҳисобот йили якунига кўра 2024 йилга нисбатан 0,4 фоиз бандга камайиб, 27,5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, мазкур қарз маблағлари тўлиқ узоқ муддатли ва асосан имтиёзли шартлар асосида жалб қилинган.

Хўжалик субъектлари ва банклар томонидан норезидентлардан жалб қилинган корпоратив кредит ва қарзлар қолдиғи 41,7 млрд долларни ташкил этди (*ЯИМга нисбатан 28,4 фоиз*). Мазкур маблағларнинг 92 фоиздан ортиғи узоқ муддатли шартларда жалб қилинган.

Корпоратив ташқи қарз таркибида тўғридан-тўғри инвестиция киритган хорижий инвесторлардан жалб қилинган қарз маблағлари қолдиғи 6,5 млрд долларни, халқаро облигациялар жойлаштириш орқали жалб қилинган маблағлар қолдиғи 7,3 млрд долларни ташкил этди. Қолган қисми эса хусусий сектор, жумладан хўжалик субъектлари ва банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириш ва бизнес фаолиятини кенгайтириш мақсадларида давлат кафолатисиз жалб қилинган кредит ва қарзлар ҳисобига шаклланди.

Маълумот учун: ХВЖ ҳамда халқаро рейтинг агентликлари баёнотларида Ўзбекистоннинг ташқи қарз юки ўртача даражада эканлиги (асосан имтиёзли шартларда олинган) эътироф этилган.

Бунда, корпоратив ташқи қарз бўйича давлат мажбурияти мавжуд эмас, улар бўйича тўловлар хўжалик субъектлари ҳамда банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

³ ХВЖнинг ТБҚ 6-сон қўлланмасига мувофиқ қарз инструментлари бўйича қолдиқ ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.

2026 ЙИЛ УЧУН КУТИЛМАЛАР

2025 йил учун Ўзбекистон ташқи сектор статистикасининг якуний кўрсаткичлари, мамлакатимиз ва унинг асосий савдо ҳамкорларида жорий ва кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатлари, халқаро молия ва товар-хомашё бозорлари конъюнктураси, меҳнат ва капитал миграцияси, ташқи савдо ва логистика соҳаларидаги ўзгаришлар динамикаси бўйича экспертларнинг кутилма ва баҳолашларини инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг 2026 йил учун прогноз кўрсаткичлари шакллантирилди⁴.

Ўзбекистон экспорт товарларига ташқи ялпи талабнинг шаклланиши асосий савдо ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий фаоллик даражаси, ташқи савдодаги фрагментация жараёнлари ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликларнинг сақланиб қолишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг январь ойидаги Халқаро валюта жамғармаси томонидан жаҳон мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича прогнозлар қайта кўриб чиқилган.

Жумладан, ушбу прогнозларга кўра, 2026 йилда Хитой иқтисодиёти 4,5 фоизга (2025 й. 5%), Россия 0,8 фоизга (2025 й. 0,6%), Туркия 4,2 фоизга (2025 й. 4,1%) ва Қозоғистон 4,4 фоизга (2025 й. 6,2%) ўсиши кутилмоқда⁵.

Ўзбекистоннинг асосий экспортбop маҳсулотлари бўйича жаҳон нархларининг нисбатан ижобий шаклланиши кутилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда халқаро савдо сиёсатидаги ўзгаришлар, геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва глобал молиявий шароитлар билан боғлиқ ноаниқликлар фонидан олтин нархи тарихий юқори даражада – 4 500-5 000 доллар (тр/унц) атрофида шаклланмоқда. Халқаро бозорларда унга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли мазкур металл нархининг йил охирига қадар юқори даражада сақланиб қолиши кутилмоқда⁶.

Кумуш ва мис нархларининг 2025 йилда кузатилган ўсиш тренди жорий йил давомида ҳам сақланиб қолиши бўйича кутилмалар мавжуд⁷. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида мазкур металлларнинг нархи йил бошига нисбатан мос равишда 31 фоиз ва 10 фоизга ўсди.

Шунингдек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги, кимё ва озиқ-овқат саноати ҳамда металлургия соҳаларида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳажмларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда.

⁴ 2025 йил якунлари асосида шакллантирилган дастлабки прогнозлар янгиланди. Шунингдек, 2026 йил давомида ички ва ташқи омилларнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий кутилмаларнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, прогноз кўрсаткичлар қайта кўриб чиқиб борилди.

⁵ Жаҳон иқтисодий истиқболлари, ХВЖ, 2026 й. январь.

⁶ Олтинга талаб тренди, Жаҳон олтин уюшмаси, 2026 й. январь.

⁷ Хомашё бозорлари истиқболлари, Жаҳон банки, 2025 й. октябрь.

2026 йилда туризм, транспорт ва логистика ҳамда коммуникация, компьютер ва ахборот технологиялари (IT) соҳаси хизматлар экспортининг асосий драйверлари сифатида сақланиб қолиши кутилмоқда. Ушбу соҳаларда ислохотларнинг изчил давом эттирилиши норезидентларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ошишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши маҳаллий товарларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, экспорт географиясини диверсификация қилиш ҳамда рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида 2026 йилда **жами экспорт** ҳажми ўтган йилга нисбатан 20-22 фоизга ўсиши (*олтинсиз 18-20%*) прогноз қилинмоқда.

Жорий йилда юқори инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби импорт динамикасини белгиловчи омиллардан бўлади. Ўзбекистон иқтисодиёти реал ҳисобда 5,5-6,5 фоизга ва якуний истеъмол харажатлари 6-6,5 фоизга ўсиши кутилмоқда⁸.

Ушбу жараёнлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурлари доирасида машина, ускуна ва механизмлар, транспорт воситалари, озиқ-овқат, кимё ва металлургия саноати маҳсулотлари ҳамда бошқа хомашёлар импорти ўсишида намоён бўлиши мумкин.

Мазкур омиллар таъсирида 2026 йилда **жами импорт** ҳажми 2025 йилга нисбатан 16-18 фоизга кўпайиши прогноз қилинмоқда.

2026 йилда аксарият меҳнат муҳожирларни қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари кутилмаларга нисбатан пастроқ шаклланишига қарамасдан, ишчи кучига бўлган талаб ва иш ҳақларининг юқори даражада сақланиб қолиши меҳнат муҳожирлари даромадларининг ошишини рағбатлантириши мумкин.

Шунингдек, ҳукуматлараро келишувлар доирасида меҳнат муҳожирларини ривожланган мамлакатларга юбориш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши давом этишини инobatга олиб, Ўзбекистонга **халқаро пул ўтказмалари** ҳажми 14-16 фоизга ошиши кутилмоқда.

2024 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобал молиявий шароитларни босқичма-босқич юмшатиш жараёнлари ортидан халқаро молия бозорларида фоиз ставкалари пасайиши кузатилди (*SOFR ставкаси ўртача 5,3 фоиздан 4 фоизгача тушган*). Жорий йилда глобал инфляция босим кучаймаган тақдирда, ставкаларнинг нисбатан паст даражада шаклланиши норезидентлардан сузувчан фоиз ставкалари асосида жалб қилинган кредит ва қарзларга хизмат кўрсатиш, шунингдек янги қарздорликлар жалб қилиш бўйича харажатларнинг камайишига хизмат қилиши мумкин.

⁸ Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашири, 2025 йил.

2026 йилда савдо баланси манфий сальдосини қисман қоплаб берувчи **иккиламчи даромадлар** компонентининг ижобий сальдоси ўтган йилга нисбатан 17-19 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда.

Юқоридаги омиллар таъсирида, **2026 йил** якуни билан тўлов баланси **жорий операциялари ҳисобининг** манфий сальдоси ЯИМнинг **3-3,5 фоизи** атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

2026 йилда ҳам жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги асосан **тўғридан-тўғри хорижий ва портфель инвестицияларнинг** соф киритилиши ҳамда бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилиши кутилмоқда.

Ишбилармонлик фаоллигининг юқори даражада сақланиши ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида капиталга соф қўйилмалар, реинвестициялар ва хорижий бош компаниялардан маблағлар ҳажмининг ўсиши ҳисобига **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** соф кирими ЯИМга нисбатан 2,5-3 фоиз атрофида шаклланиши мумкин.

Ҳукумат, банклар ва номолиявий корхоналар томонидан халқаро капитал бозорларида янги еврооблигациялар чиқарилиши орқали маблағлар кирими ҳамда амалдаги мажбуриятлар бўйича тўловлар графигидан келиб чиқиб, **портфель инвестициялар** соф кирими ЯИМга нисбатан 2-3 фоиз даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, давлат сектори, банклар ва бошқа секторлар бўйича валюта ва депозитлар, ташқи қарз ҳамда савдо кредитлари динамикаси, тўловлар жадвали ва молиялаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, **бошқа инвестициялар компоненти** бўйича соф кирим ЯИМга нисбатан тахминан 1 фоиз атрофида шаклланиши кутилмоқда.

Юқоридаги омиллар йиғиндиси натижасида 2026 йилда **молиявий ҳисоб** (халқаро захира активларини ҳисобга олмаганда) ЯИМга нисбатан **5-6 фоиз** миқдорида манфий сальдо билан шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Марказий банк Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириш доирасидаги ҳамкорлик учун тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

1-илова. 2023-2025 йиллар учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	2023 йил	2024 йил	2025 йил
А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-7 797,1	-5 723,1	-5 784,2
Товарлар, кредит (экспорт)	19 616,6	19 626,1	23 024,9
Товарлар, дебет (импорт)	34 475,6	33 160,0	38 546,5
Хизматлар, кредит (экспорт)	5 433,0	6 547,2	9 274,1
Хизматлар, дебет (импорт)	8 170,8	10 464,2	13 635,5
<i>Савдо баланси сальдоси</i>	-17 596,8	-17 450,9	-19 883,0
Бирламчи даромадлар, кредит	5 317,6	5 667,4	6 428,8
Бирламчи даромадлар, дебет	4 323,1	4 518,8	6 057,4
<i>Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	-16 602,2	-16 302,2	-19 511,6
Иккиламчи даромадлар, кредит	9 685,4	11 595,1	15 143,1
Иккиламчи даромадлар, дебет	880,2	1 015,9	1 415,7
В. Капитал операциялари ҳисоби	8,4	8,3	13,0
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	8,4	8,3	13,0
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	-7 788,6	-5 714,8	-5 771,2
С. Молиявий ҳисоб (захира активларидан ташқари)	-6 839,5	-7 263,3	-11 312,2
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	11,7	36,7	158,2
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	2 156,4	2 974,7	4 398,4
Портфель инвестициялар, активлар	0,5	0,3	0,1
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,5	0,3	0,1
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	994,8	3 121,7	4 380,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	23,2	-4,1	16,9
Қарз инструментлари	971,6	3 125,8	4 363,9
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)	1,6	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-1,6	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Бошқа инвестициялар, активлар	3 955,8	5 466,2	7 210,5
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,4	5,0	13,2
Қарз инструментлари	3 955,4	5 461,2	7 197,3
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	-1 206,2	897,9	1 401,6
Давлат бошқарув сектори	-18,1	-15,3	-25,3
Бошқа секторлар	5 179,7	4 578,5	5 821,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	5 179,7	4 578,5	5 821,0
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	7 657,9	6 670,0	9 901,7
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
МҚХ тақсимланиши	2,4	-1,4	-1,0
Қарз инструментлари	7 655,6	6 671,4	9 902,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	871,8	767,2	2 467,8
Давлат бошқарув сектори	3 421,5	4 601,7	4 620,7
Бошқа секторлар	3 362,3	1 302,5	2 814,2
Бошқа молиявий ташкилотлар	14,4	8,3	-1,6
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	3 347,9	1 294,2	2 815,8
D. Соф хатолар ва йўқотишлар	-1 741,8	-2 159,8	-3 518,0
E. Умумий баланс	2 690,9	611,4	-2 023,0
F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар	-2 690,9	-611,4	2 023,0
Захира активлари	-2 751,8	-734,3	1 949,0
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	-60,9	-122,9	-74,0
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашрида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.

2-илова. 2023-2025 йиллар учун халқаро инвестициявий мавқе
(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	01.01.2024й.	01.01.2025й.	01.01.2026й.
Активлар	84 883,5	96 409,6	128 407,0
Тўғридан-тўғри инвестициялар	209,9	243,8	408,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	37,1	69,0	234,0
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	37,1	69,0	234,0
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	172,8	174,8	174,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,6	2,6
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	170,4	172,2	172,2
Портфель инвестициялар	2,9	3,1	3,5
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,9	3,1	3,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,8	2,0	2,3
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2024й.	01.01.2025й.	01.01.2026й.
Бошқа инвестициялар	50 106,0	54 981,1	61 683,0
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	2,0	7,0	20,2
Қарз инструментлари	50 104,0	54 974,0	61 662,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкilotлари	3 242,7	4 061,9	5 589,7
Давлат бошқаруви сектори	4,8	2,8	4,8
Бошқа секторлар	46 856,5	50 909,4	56 068,2
Бошқа молиявий ташкilotлар	0,0	0,0	0,0
Захира активлари	34 564,6	41 181,6	66 311,8
Монетар олтин	24 632,2	32 036,7	55 092,4
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	563,0	547,3	574,8
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	9 369,5	8 597,7	10 644,5
Мажбуриятлар	72 710,0	86 940,5	109 301,4
Тўғридан-тўғри инвестициялар	14 866,9	20 518,7	26 039,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	11 356,8	15 731,7	19 566,2
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	11 356,8	15 731,7	19 566,2
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	3 510,1	4 787,0	6 473,6
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	3 217,4	4 329,2	5 498,4
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	292,7	457,8	975,2
Портфель инвестициялар	5 295,5	8 428,9	13 747,7
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	123,7	117,2	143,1
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкilotлари	57,5	75,1	93,2
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2024й.	01.01.2025й.	01.01.2026й.
Бошқа секторлар	66,3	42,1	49,9
Бошқа молиявий ташкилотлар	1,7	1,7	2,6
Қарз қимматли қоғозлари	5 171,8	8 311,7	13 604,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1 027,7	2 340,4	3 278,8
Давлат бошқаруви сектори	3 284,9	4 049,9	6 290,4
Бошқа секторлар	859,2	1 921,4	4 035,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	52 547,6	57 992,9	69 514,0
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (мажбуриятларни соф қабул қилиш)	1 068,8	1 037,4	1 088,3
Бошқа қарз инструментлари	51 478,9	56 955,5	68 425,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	11 215,2	11 680,7	14 752,2
Давлат бошқаруви сектори	21 353,4	25 330,8	30 302,6
Бошқа секторлар	18 910,3	19 944,0	23 370,7
Бошқа молиявий ташкилотлар	114,1	119,3	129,5
Соф халқаро инвестициявий мавқе	12 173,5	9 469,1	19 105,6